

Қуёшнинг бир кун келиб сўниши



09:15 / 10.08.2017 4888

Қуёшдан келаётган ёруғлик унда 5 миллиард йилдан бери давомий суратда содир бўлаётган кимёвий реакциялар туфайлидир. Келгусида, бир кун, албатта, бу ниҳоясига етади, ўшанда қуёш тўлалигича ўчади, сўнади, тугайди, натижада ер юзидаги барча тирик нарсалар ҳалок бўлади. Қуёшнинг боқий қолмаслиги ҳақида Қуръон айтади:

«Қуёш ўз истиқрори учун юрадир. Бу ўта иззатли, ўта билувчи Зотнинг ўлчовидир»

(Ёсин сураси, 38-оят)

Бу оятда арабчада ишлатилган сўз мустақарр бўлиб, белгиланган макон ёки вақтни билдиради. Шундай қилиб, Қуръондаги хабарга кўра, қуёш олдиндан белгилаб қўйилган макон –ўз истиқрори томон муайян вақтгача жараён этади, ҳаракатда бўлади, яъни, бир кун келиб сўнади, ёки тугайди.